

ОЛИМЖОН ХОЛДОР

МУЪЖИЗА

The background of the cover is a vibrant, ethereal illustration. It features a large, red, domed structure, possibly a mosque or a palace, with intricate architectural details. The scene is set against a backdrop of soft, glowing light in shades of blue, green, and purple, creating a dreamlike atmosphere. In the foreground, there are dark, silhouetted figures that appear to be in motion, possibly dancing or performing a ritual. The overall composition is rich and detailed, with a focus on light and shadow.

ОЛИМЖОН ХОЛДОР

МУЪЖИЗА

БУТУННИНГ РОМАНИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2009

Қўлингиздаги «Мўъжиза» деб аталувчи бугуннинг романи дунё машинасозлигига 28-мамлакат бўлиб қўшилган Ўзбекистон автомобиль саноати, яъни Андижон вилоятининг Асака шаҳрида жойлашган автомобилсозлик корхонасининг бунёд этилиши, унинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи биринчи йирик асардир. Унда завод қурувчиларининг жасоратлари, машаққатли меҳнатлари, шу билан бирга инсонлар орасидаги қадр-қиммат, меҳр-оқибат турли воқеалар, ҳодисалар орқали очиб берилади. Шунингдек, муаллиф ижодига оид турфа бадиий ижод намуналаридан баҳраманд бўласиз. Ўйлаймизки, «Мўъжиза» сизларга манзур бўлади.

Тяқризчилар:

Ҳафиз АБДУСАМАДОВ,

филология фанлари доктори, профессор,

Қамчибек КЕНЖА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

ISBN 978-9943-08-444-5

© Олимжон Холдор. «Мўъжиза». «Янги аср авлоди», 2009 йил.

Мисли кўринмаган қисқа муддатларда шундай ҳашаматли биноларни қуриб, бутун дунёга машҳур давлатлар, компания ва фирмалардан замонавий ускуналарни, автоматларни олиб келиб, илғор стандартларга жавоб берадиган технологияларни ўрнатиш ўзимизнинг фарзандларимизни янги касбларга ўргатиш, шундай мураккаб технологияларни ўзлаштириш чиндан ҳам, ҳар кимнинг кўлидан келмайдиган катта шарафли синов, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен катта мамнуният билан яна бир бор, мана шу мўъжизани ташкил қилган инсонларимизни – замондошларимизни, мардонвор хизмат қилган ишчи ва меҳнатчиларни чин қалбимдан табриклаб, тасаннолар айтмоқчиман! Ҳаммангизни бағримга маҳкам босиб, хурсандлигимни билдирмоқчиман!

Ислом КАРИМОВ

Мустақилликнинг 18 йиллигига
бағишланади

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Дунёда бир бойлик бор. Буни Яратганнинг ўзи подшоҳга ҳам, гадога ҳам – ҳаммага тенг тақсим этган. Уни на олтин, на жавохир, на ҳукм, на фармон ва на қўл билан тутиб бўлади. Унинг қадрини билганлар мақсадларига етади, ҳаётда ўчмас из қолдиради. Ундан фойдалана билмаганлар эса, охир-оқибат «ат-танг» кўчасида сарсон бўладилар.

«Бу нимадир?» – деб сўраяпсиз. Бу, албатта, Яратганнинг ўзи сиз-у бизга, ҳаммага тенг ато этган, аммо жуда тез ўтиб кетувчи вақтдир. Вақтнинг ўтиши – бахтнинг кетиши.

*Сочларимиз қиров қоплар сездирмай,
Йиллар ҳамон бизни тоблар сездирмай.
Умр деб аталмиш китобимизда –
Битиб борар сўнгги боблар сездирмай.*

Донолар жами жонзотларни инсонга қиёс қиладилар. Тўғри, улар ҳам унади, ўсади, ёшини яшайди, қарийди, дунёдан ўтади, одамлар ҳам шундай. Бироқ инсон жуда мураккаб мавжудот. Унга ақл, юрак, виждоң, фаросат, тил берилган. У донишманд, у хушёр, у муғомбир, у яшаш, кун кўриш учун курашади, енгади, енгилади. Хуллас, одамзоднинг қўлидан барча иш келади.

Ота-боболаримиз дунё дунё бўлганидан буён мустақил, озод яшамоқни орзу қилдилар. Аммо ҳеч қачон ета олмадилар. Исёнлар бостирилди, курашганлар эса дорга осилди, зиндон қилинди. Бахтимиз шундаки, боболаримиз, момоларимиз кураша-кураша ета олмаган истиқлол деб аталувчи ёрқин кунлар бизларга насиб этди. Бу Яратганнинг марҳамати, олий неъматидир. Энди унинг қадрига етиш, асраш, авайлаш, ёмон кўзлардан сақлаш бизнинг вазифамиз ва муқаддас бурчимиздир.

Хўш, истиқлол бизга нималар берди? Саволнинг бундай қўйилиши сал жиддийроқ эмасмикан?! Олдиндан айтиб қўяй. Бақириқ-чақириқ, дўқ-пўписа, ур-йиқит, дор ва зиндонлар асо-

сига қурилган қизил империя кўпчиликни манқурт қилиб тарбиялади. Манқуртларда Ватан, миллат, ғурур, ўзлик бўлмайди. Агар яна ўша мустабид тузум чорак аср ҳукмронлик қилганида, билмадим, нима бўлар эди. Тарихимизни, тилимизни, миллатимизни, қадриятларимизни, ўзлигимизни унутаёзган эдик. Ҳоким халққа тобелик, сажда қилиш қон-қонимизга сингиб бораётган эди.

Истиқлол ғалабасига ҳаммаси бўлиб эндигина ўн етти йил бўлди. Тарих учун лаҳза ҳисобланган бу йилларда мустақил республикамизни бутун олам таниди ва тан олди.

Истиқлол бизга нималар берди? Бу саволга жавоб излаган ҳар бир эзгу ниятли киши Тошкентга, Самарқандга, Хивага, гўзал Фарғонага, Андижонга, сўнгра Асакага келсин. Юртбошимиз ташаббуси асосида Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилган биргина «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида оддий ўзбек йигитлари яратаётган асримизнинг чинакам мўъжизаси нималарга қодир эканлигини, мустақиллик бизга нималар берганлигини ўз кўзлари билан кўриб, юраклари ила ҳис этсинлар. Ана шунда мустақилликнинг сиёсий ва иқтисодий моҳиятини тўлароқ англамоқ мумкин бўлади. Ана шунда барча саволларга жавоб топилади.

Муҳтарам китобхон, қўлингиздаги президент таъбири билан «Мўъжиза» деб аталувчи бугуннинг романини барча қулайликларга эга бўлган ижодий уйларда ёки ёзувчи ижодхонасида эмас, балки воқеалар содир бўлаётган Асака шаҳридаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси цехларида гоҳ муҳандислар, гоҳ пресслувчи, пардозловчи, гоҳ пайвандловчилар, гоҳ ақлли роботларни ишга солувчи, қўллари мўъжиза яратувчи кишилар, гоҳ яна шу роботларга «ақл берувчи» ЭХМ дастурловчилари, гоҳ қисмларни такомиллаштириш бошқармасида, гоҳ машиналарни синовчи йигитлар ҳамда гоҳ ижрочи директор, гоҳ маъмурият раҳбарлари, гоҳ ишлаб чиқариш технологлари, гоҳ бўёқчилар, гоҳ оддий ишчилар билан бирга-бирга маслаҳатлашиб ёзилди.

Шундай қилиб, биз романини қаҳрамонларнинг ўзлари билан бирга-бирга ёзишдик. Уларнинг беаёв танқидларини ҳисобга олиб, қисмлар, боблар, бўлимлар, ҳатто бутун-бутун саҳифаларни чизиб ташлаб, қайта тикладик. Биринчи ўқувчи ҳам, биринчи тақризчи ҳам завод ишчиларининг ўзлари бўлишди.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОР

I

ЁЗНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Бу йил баҳор жуда кеч келди. «Худога шукр, энди баҳорга етдик», деганда, буниси ҳам бормиди, қор устига қор ташлади. Аллақачон дарахтлар барг чиқариши, сой тошиб-тошиб, шошиб-шошиб оқиши керак эди. Ҳаммаёқ музлаган, қиш ичи уйда димиқиб ташқарига чиқишга зор бўлган одамларни қўйиб туринг, парранда-ю, даррандалар арава йўлларида тўп-тўп бўлиб, ногаҳон шарпадан чўчиб, «гур» этиб учишар, Ялангбош дарахтларнинг уйқудаги шохларига қўнишар, лаҳза ўтмай тунглаб қолган йўлларда бир-бирига қарамай, қор титиб, ризқ-рўзларини териб-термалаб ейишар эди. Устлари юпун, ёқавайрон, совуқдан бурни, қулоқларигача қизариб кетган болачалар чумчуқларни худди ҳозир тутиб олаётгандай, уларга тинчлик бермас, бақириб-чақиритиб қувишарди.

«Тўқсонда тўпикдай муз қолмас». Шундай ҳикмат бор. Тўқсон эмас, қиш уч ярим ойга чўзилди. «Қишнинг бир кунидан кўрк, баҳорни ўзинг бил, ёзда ёпинчиғингни қўйма». Кексалар офтобшувоқда ўтириб олиб, «бундай инжиқ баҳор юз йилда бир келади, ёз иссиқ бўлса керак», деб бир-бирларига гап бермай башорат қилишарди.

Фасллар алмашаётганда ўз ўринларини бир-бирларига осонликча бўшатиб бермасмиш, қаттиқ «жанг» кетармиш, бу йилгиси ошиб тушди. Ниҳоят, баҳор қишнинг қўлида қиличи бўлса ҳам енгиб чиқди. Кунлар аста-секин илий бошлади. Бир ҳафта ўтмай қорлар эриб, сойларда, ариқларда муз аралаш малларанг сувлар тўлқинланиб оқа бошлади. Ана-мана дегунча ариқ ёқаларида сиёхранг ялпизлар жамол кўрсата бошлади. Дарахтларнинг шохлари пушти, қизил мунчоқлардай куртак чиқарди.

Кечагина ўз насибаларини териб еб юрган хурак чумчуқларни қўрқитиб, уларнинг додини берувчи шўх болалар ҳам энди кўринмасди. Баҳор баҳорлигини қилди, кўп ўтмай у боғроғларни гулларга, кўм-кўк баркут либосларга буркаб ташлади.

Қишлоқ кексалари тўғри башорат қилган эканлар, ёз биринчи кунданоқ исита бошлади, гилослар қизариб, ўрикларга ранг кирди, чилиги чумак урди, сувлар ранги ўзгарди. Чумчуқларни ўз ҳолига қўймай қувиб юрувчи болалар қоғозлардан варрақлар ва бўшаб қолган гугурт қутиларидан қайиқчалар ясаб, ариқларда оқизишар, қайиқчалар қўшни ҳовлига кириб кўздан ғойиб бўлгунча қий-чув солишиб чопишар, сўнгра сувга нон ташлаб, оқизишар, кейин тутиб олиб ейишарди.

Кўчадан отми, аравами ўтиб қолгудай бўлса, тамом, болалар гоҳ отлар билан ёнма-ён тойчоқ бўлиб «кишнашиб» чопишар, гоҳ аравакашнинг дўқ-пўписаларига парво ҳам қилмай, арваларнинг ортига осилиб узоқ-узоқларга кетишарди...

Ҳаким темирчи билан қишлоқнинг энг сулув қизи Ўғилбиби турмуш қурганларига ўн йилдан ошди. Бироқ фарзандлари йўқ. Улар учрамаган шифокор-у табиблар, фолбин-у афсунгарлар қолмади. Худодан кечаси-ю кундузи тилагани фарзанд. Ўғил бўлса ҳам, қиз бўлса ҳам умри, ризқ-рўзи, чирой чиммати билан берсин, дейишиб, яратганга илтижо қилишар, тўй-маъракаларда, меҳмондорчилик ва турли йиғинларда улар юрак ҳовучлаб турардилар. «Нечта болангиз бор?» деб сўраб қолсалар ёки фарзанд ҳақида гап кетгудай бўлса, ҳар иккиси ҳам ўзларини қўярга жой тополмай, ер билан яксон бўлардилар.

Бир куни Ўғилбиби туш кўрди. Тушида эри қанотли оқ отда осмон-фалакда учиб юрар, афсоналардагидай оппоқ кийиниб олганмиш, аммо ёнида на шамшири ва на қуроли бор. Шунда Ўғилбиби сочлари ёзиқ ҳолда дод солиб, эрининг ортидан чопармиш: «Тўхтанг-тўхтанг, ҳеч бўлмаса мана бу шамширни олинг», дермиш. Эри эса парво қилмасмиш. Охири хотинининг қўлидан шамширни оламан, деб турганида, Ўғилбиби уйғониб кетди. Кўзини очиб қараса, эри ёнида беозор ухлаб ётибди.

Бу ғаройиб тушнинг таъбири нима эканини ўзича мулоҳаза қилди. Шамширни олдим, йўқми, буни у эслай олмасди. Эрини аста туртиб уйғотди.

— Ҳа, нима, тинчликми? — деди Ҳаким темирчи уйқули кўзларини эринибгина очиб.

- Хўжайин, туш кўрдим. Худо берди бизга, Худо берди.
- Нима деяпсан, алахсирамай ухласанг-чи.
- Эшитинг, эшитинг, деяпман.
- Нимани эштай?
- Вой хўжайин-ей, яхши туш кўрибман, тушимда, денг...

Туринг, эшитинг.

- Нима бўлди сенга? - Ҳақим темирчи бошини аранг кўтариб, хотинига ўгирилди, қўлларини ёзиб керишди.

- Шу денг, туш кўрибман...

- Айтақол, тушинг курсин.

- Ундай деманг, хўжайин.

- Айтақол, қулоғим сенда, бунча чўздинг.

- Сиз икки қанотли оқ отда осмон-фалакда учиб юрганмишсиз, фалон юртга кетяпман, жангга, дермишсиз, ёнингизда қуролингиз йўқ эмиш. Тўхтатиб қўлингизга ялтироқ шамшир тутдим. Энди олаётганингизда уйғониб кетдим. Ўша шамширни олдингизми-олмадингизми?

- Мен қаёқдан билай, тушни сен кўргансан-ку.

- Ҳа-я, вой ўлмасам, ҳа, олдингиз шекилли, олдингиз. Худо берди бизга, қараб турасиз, фарзандли бўламиз, ўғил кўрамиз.

- Илоҳо айтганинг келсин, хотин...

Эр-хотин тун бўйи ухламай, ширин ўйлар билан тонг оттирдилар...

Худо бергани рост бўлди. Кўп ўтмай Ўғилбиби Ҳақим темирчига қўчқордай ўғил туғиб берди. Ўғлининг исмини Адҳамжон қўйишди. Ўша киш кунлари чумчуқларни ҳуркитиб чопиб юрган бир тўп болалар ичида у ҳам бор эди.

Шундан кейин Ўғилбиби яна икки ўғил ва бир қиз кўрди. Энди уларнинг хонадони болаларнинг шовқин-суронларига тўлган эди...

Қишлоқ йўллари, айниқса, ёз ойларида лорсиллаб, жуда семириб кетади. Агар бирорта машина ўтгудай бўлса, тамом, олам чанг-тўзонга кўмилгандай бўлади. Болаларга бари бир, рангрўйига, уст-бошларига қараб бўлмайди. Аравами, машинами ўтса бас, унинг ортидан чопгани-чопган. Бундай ҳолларда барча ота-оналар сингари Ҳақим темирчи ва Ўғилбиби ҳам болаларини тергашгани-тергашган.

Ҳақим темирчи устахонага кетди. Ўғилбиби қўйларга ўт юлиб келиш мақадида ҳовлида ивирсиб юрарди. Бир вақт кўчадан ўтиб кетаётган машина қаттиқ «ғийқ» этиб тўхтади. Чанг-тўзон

кўтарилди. Сўкинишлари ўқдек қулоқларга қуйилди. У кўкат юлавериб кўкариб кетган кафтларини этакларига арта-арта кўчага югурди. Не кўз билан кўрсинки, ранг-рўйи докага айланган хайдовчи йигит ўғлининг қулоғидан маҳкам тутиб олганди:

– Кимнинг боласисан, айт, ота-онанг борми?

– Нима қилди, нима? – Ўғилбиби хайдовчига ташланди.

– Қанақа хотинсан, болангни кўчага қўйвориб уйда қандай ўтирибсан? Худо бир асради.

– Нима бўлди, нима? – сўради Ўғилбиби ўғлини хайдовчининг қўлидан зўрға юлиб олиб.

Воқеадан огоҳ бўлган йўловчилар ва қўни-қўшнилар хайдовчи йигит қолиб, Ўғилбибига дакки беришди: «Тилаб-тилаб олганингиз машинанинг тагида қолди, умри бор экан, Худога шукр денг, айб ўғлингизда».

Кимдир ариқчадан бир ҳовуч сув олиб, Адҳамнинг юз-кўзларига сепди. Бола ҳеч нарса бўлмагандай кийимларини қоқиб ишшайиб турарди.

Ақлдан озаёзган хайдовчи йигит қўл-оёғи дағ-дағ титраб, қонсиз лабларини тупроққа беланган қўллари билан аста артар экан, гоҳ одамларга, гоҳ болага, гоҳ унинг онасига гуноҳқор одамдай серрайиб боқиб турарди.

Гапнинг рости, одамлар ва хайдовчининг узук-юлук, пой-ма-пой гапларидан ҳеч нарса англаб бўлмасди. Нима бўлганда ҳам Адҳам омон қолибди. Шунда маҳалладошларидан бири:

– Ўғлим, – деди хайдовчига ўгирилиб, – бахтинг бор экан, кетавер, буёғини ўзимиз гаплашиб оламиз, айб болада.

Ўғилбиби ўғлининг оёқ-қўли, пешанасига қўлини тутиб кўрди.

– Нима бўлди, онанг ўлсин, болам?

– Ҳаммаёғим соғ, ҳеч нарса бўлгани йўқ...

Анчадан кейин хайдовчи бўлган воқеани батафсил сўзлаб берди:

– Мени кетавер, дейсизлар, ҳеч қаёққа кетмайман. Токи ДАНчилар келмагунча бир қадам жилмайман. Машина ҳам турган жойида, кўчанинг қоқ ўртасида тураверади.

– Қишлоқ марказига хабар бериш керак, – деди кимдир.

– Тўғри айтасиз, – маъқуллади хайдовчи.

– Бола соғ, гапирсанг-чи, нима бўлди ўзи, ҳеч бўлмаса, билиб турайлик.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/423> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ
версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/423>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/423>